



Оёқ мускулларининг ривожланганлик даражаси қиличбозларнинг жанг такдирини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади [5].

Ёш спортчиларнинг оёқ кучининг ривожланганлик даражасини баҳолашда турган жойидан узунликка сакраш назорат машқидан фойдаландик. Энг юқори қайд этилган натижа 13 ёшли қиличбозларда аниқланди $173,3 \pm 3,4$ см, энг паст натижа 10 ёшли қиличбозларда кузатилди $150,4 \pm 2,8$ см. (3-расм).



4-расм. Тезкор-куч сифати ривожланишининг ёшга хос динамикаси.

Тезкор-куч сифатини ривожланишининг ёшга хос динамикасини аниқлаш мақсадида ўтказилган педагогик тестлар натижасида қуйидаги маълумотлар олинди: турган жойида баландликка сакраш назаорт машқини бажаришда 10 ёшли қиличбозлар $21 \pm 1,5$ см., 11 ёшлилар $23,9 \pm 1,6$ см., 12 ёшли қиличбозлар $25,2 \pm 1,7$ см. 13 ёшли қиличбозлар эса $28,0 \pm 1,8$ см. натижаларни қайд этишди (4-расм).



5-расм. Чидамлилик сифати ривожланишининг ёшга хос динамикаси.

Чидамлилик сифатининг ривожланганлик даражаси қиличбозлар машғулотларида иш фаолиятини белгилайди.

300 м.га тенг бўлган масофани 10 ёшли қиличбозлар $71,4 \pm 2,31$ сонияда; 68,2 $\pm 1,28$ сония вақт оралиғида эса 11 ёшли қиличбозлар босиб ўтишган (5-расм). Мазкур белгиланган масофани бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 13 ёшга тенг бўлган қиличбозлар энг қисқа вақт давомида босиб ўтишган ($58,4 \pm 2,21$).

Ўтказилган тажрибани натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди;

- бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-13 ёшли қиличбозларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва усулларни замон талабларига жавоб берадиган даражада тадқиқ қилиш лозим;
- 10-13 ёшли қиличбозларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги жараёнида машғулотларни педагогик кузатиб таҳлил қилинганда қўлланиладиган восита ва усуллар шуғулланувчилар ёш хусусиятига мос эмаслиги аниқланди;
- юқорида қайд этилган натижалар бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш қиличбозлар учун мўлжалланган меъёрлар талабига жавоб бермайди;
- ҳозирги вақтда бошланғич тайёргарлик босқичининг вазибаларини ҳал этишда ёрдам берадиган махсус ўйин вазибаларини машғулотларга киритиб машғулотлар самардорлигини ошириш зарурати юзага келган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги 3154 –сонли Фармони. -Т.: 2002, 24 октябрь.
2. Мовшович А.Д., Абдурашулова Г.Б., Кудратов Р.К. Возрастная динамика физической подготовленности юных фехтовальщиков. Методические рекомендации. –Ташкент: 1989.
3. Мовшович А.Д. Система многолетней подготовки юных фехтовальщиков: Автореф. дисс. ...доктора. пед. наук. – М.: 1996.
4. Тышлер Д.А., Мовшович А.Д., Тышлер Г.Д. Многолетняя тренировка юных фехтовальщиков: Учебное пособие. –М.: 2002.
5. Тихомирова Е.А. Двигательные особенности и технико-тактическая подготовка юных фехтовальщиц на рапирах групп начальной подготовки: Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – М.: 1995.
6. Родионов А.В., Сивичкий В.Г. Новые подходы в подготовке фехтовальщиков. – Минск: ЗАО “Веды”, 2002.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-13 ёшли қиличбозларнинг тезлик, куч, тезкор-куч, чакқонлик, етилувчанлик ва чидамлилик сифатларининг ривожланганлигининг ёшга оид хусусиятлари тўғрисидаги ахборотларни объективлаштириш масалалари қараб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье объективизированы данные о возрастных особенностях развития двигательных качеств: быстроты, силы, скоростной силы, ловкости, гибкости и выносливости юных фехтовальщиков 10-13 лет.

SUMMARY

In the present article the data about the age features of development of moving qualities are given: speed, force, high-speed force, dexterity, flexibility and endurance of young fencers at the age of 10-13.

ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК

Б.К.Турганов – тарих фанлари номзоди

Ф.М.Мадреймов – катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: Хоразм, ўрта асрлар, таълим, маърифатпарварлик, маънавият, мактаб, мадраса, Ануштегинлар сулоласи, мударрис, имом, диний илмлар, дунёвий илмлар, вақф мулки, сайёҳлар, муаллифлар.

Ключевые слова: Хорезм, средние века, образование, грамотность, духовность, школа, медресе, поколение Ануштакинов, мударрис, имам, религиозные науки, мировые науки, имущество вифов, туристы, авторы.

Key words: Khorezm, middle ages, education, intellectuality, spirituality, school, madrasah, the generation of the Anushtakins', mudarris, imom, religious sciences, world sciences, waphkh's property, tourists, authors.

Марказий Осиёнинг Сўғд, Шош, Фарғона, Хоразм каби тарихий воҳаларида IX-X асрларда савдо-сотик, хунармандчилик ва шаҳарсозлик каби иқтисодий ва маданий соҳалар тез суръатда тараққий қила бошлади. Бу даврда Хоразмдаги қадимий бой маданий қадриятлар ислом анъаналари билан боғлиқ бўлган ҳолда шаклланди ва ривож топди. Ислоҳ фақат дин эмас, балки янги маънавий йўналиш сифатида бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий-маданий, маърифий алоқаларнинг

кучайишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Хоразмнинг Урганч, Қот, Хива, Миздақхон, Хозорасп каби қадимий шаҳарлари Ўрта Осиёдаги маданий ва иқтисодий ҳаёт тараққий қилган шаҳарлардан бирига айланди. Давлат бошқаруви, қурилиш, савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларни янада тараққий эттириш учун илм-фан ва ислом илоҳиятишунослигини ривожлантириш зарурияти туғилди. Ўша даврда кўплаб шаҳарларда кутубхоналар ташкил этилди ва бозорларда китоб савдоси йўлга қўйилди. Деярли ҳар бир

қишлоқ ўзининг «кутуб» («мактаб»)ига эга бўлган бўлса, йирик шаҳарларда кўплаб мадрасалар бунёд этилди. Мадрасаларда котиб, фикх (Ислом ҳуқуқи), қози-калон, диний мутахассислар, давлат хизмати учун амалдорлар тайёрланди. Ушбу мактаб ва мадрасаларда диний ва дунёвий илмлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривож топди.

IX-X асрларда Хоразмнинг шухрати бутун мағрубу машрикка ёйилди. Чунки Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий каби кўплаб илм-фаннинг йирик намояндалари ҳаёти ва ижоди ушбу даврга тўғри келади.

Маълумки, Шарқдаги илк академия («Донишмандлар уйи»)ни Бағдодда халифа Маъмун (813 йил) ташкил этган бўлса, иккинчи академия Хоразмда шох Маъмун (1004 й.) томонидан ташкил этилди. Иккала академияда ҳам фаолият олиб борган мутафаккир аждодларимизнинг илм-фан соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари, маърифатпарварлик ишлари ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссалари буюк маънавий жасоратнинг юксак тимсолидир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, Хоразм Маъмун академияси фаолиятини оладиган бўлсак, бу мўътабар илмий масканда Шарқ ва Ғарбдан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу бизнинг минтақамизда туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани ғурур ва ифтихор бағишлайди» [1:161].

Хоразм аҳлининг табиати, маънавияти, ватанпарварлик туйғулари, хулқ-атвори, одоби, уларнинг ниҳоятда маърифатпарварлиги, гапга чечанлиги, қизгин баҳс ва мунозаралар билан фикр-мулоҳаза юритиши ҳақида кўплаб маълумотлар ўрта аср араб-форс сайёҳлари асарларида берилган.

Сайёх Муқаддасий (X аср) маълумотларига кўра, Хоразм аҳолиси ақл заковатли, фикх илмини эгаллаган маърифатли кишилар эдилар. Халифалик шаҳарларида фикх, адабиёт ҳамда Қуръонни ўрганиш соҳасида шогирди бўлмаган хоразмлик имом (бу ерда олим маъносида) камдан-кам учрайди [3:157]. Шундан кейин Ал-Муқаддасий яна ёзади: «... яхши ва тўғри қироат (қуръон ўқиш) қобилияти, ўткир ақлу идрок ато қилган»[5:19].

Мазкур маълумотлар ўрта аср Хоразм воҳаси халқларининг илм-фанга иштиёқманд, маърифатпарвар инсонлар бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Ануштегин Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида (XI-XIII аср боши) Хоразмда иқтисодий юксалиш билан бир қаторда таълим, илм-фан, адабиёт, санъат каби маърифатпарварлик соҳалари тараққий қилган. Бунда ҳукмдорларнинг таълим ва илм-фан аҳлига катта эътибори ва уларга ҳомийлик кўрсатганликлари ижобий аҳамиятга эга бўлган. Улардан Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш (1172-1200 йй.) ўзи ҳам яхшигина адиб бўлиб, араб ва форс тилларида ижод қилган, Хоразмда ханафий мазҳаби тариқатида машхур мадраса қурдирган.

Уша даврда мадрасаларда мударрислик (ўқитувчи) қилиш фахрий фаолият тури ҳисобланган, баъзан юқори мартабали амалдорлар нафақага чиққандан сўнг ушбу иш билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам, Ануштегинлар сулоласи ҳукмронлиги даврида мадрасаларга мударрис (ўқитувчи) ва имомларни тайинлаш давлат аҳамиятига молик иш бўлиб, султон ёки унинг жойлардаги ноиблари томонидан махсус бекитилган. Масалан, Хоразмшоҳ Ил-Арслон фармонида (1162 йил) кўра, ҳокон Абул Музаффар Тамғач Буғрохон Иброҳим ибн Сулаймонга Туркистон вилоятидаги мадрасаларга мударрислар тайинлаш ҳуқуқи берилди. Хоразмшоҳ Отсизнинг мударрис тайинлаш ҳақидаги фармонида: Кимнингдир отаси Марв мадрасаларида бирда мударрислик қилган ва унинг оиласи билан яқин алоқада бўлган. Отаси вафотидан сўнг у саройга келган ва буюк мажлисда иштирок этган. Ҳозир ўз отаси мактабига тадрис (иш бошқарувчи) этиб бекитилди. Мадрасага тегишли вақф мулки унинг тасарруфида ва ўқув юртидаги эҳтиёжларга мувофиқ, у вақф даромадларини иморатларни таъмирлашга, ерга ишлов бериш каби мақсадли ишларга сарфлаши лозим. Ушбу ҳаражатлар мадраса толиблари ва фикхшунослар (ислом ҳуқуқшунослари) иштирокидаги мажлисда муҳокама қилиниши ва муқаддас ишларга сарфланиши зарур дейилган.

Хоразмшоҳ Такаш(1172-1200 йй.) имом Бадр ад-Дин номига қўйидаги мазмундаги фармон чиқарган: «Саройдаги муносиб хизмати учун Бадр ад-Дин катта вилоятда мударрис, имом ва хатиб тайинлаш ҳуқуқини қўлга киритади. Бадр ад-Дин ўз вазибаларини қуръонга муносиб турда бажариши, ҳадис, суннат, пайғамбарлар ва имомлар таълимотларига амал қилиши лозим. У ҳар жума ва байрамларда одамларнинг оллох, пайғамбар, халифа ва хоразмшоҳга шукроналик йўлидаги ибодатини (намоз ўқиши) таъминлаши, диний қурилишларни таъмирлаши ва уларнинг сақланишига эътибор қаратиши, одамларга ўз сўзи ва ахлоқи ила намуна бўлиши, вақф мулки даромадларини кўпайтириши ва уларга лаёқатли бошқарувчиларни тайинлаши зарур » дея кўрсатилган.

Хоразмшоҳлар даврида илм-фан ва адабиёт тараққий қилган, илм толиблари, шу жумладан, камбағал фуқароларни билимли ва маърифатли қилиш мақсадида улар ўз давлатининг турли чекка вилоятларида кўплаб мадрасалар, масжидлар, кутубхоналар (дор-ул-кутуб)лар қурдиришган.

Янги мадрасалар қуриш давлат аҳамиятига молик ишлардан бири ҳисобланган. Султон томонидан қурдирилган янги мадрасалар қурилишига раҳбарлик этиш обрўли руҳонийларга топширилган. Масалан, Хуросондаги мадраса қурилишига муфтий имом Азиз ад-Дин Али ал-Балхийга, Нишопур мадрасаси муфтий ва мударрис имом Фахр ад-Дин Абу Сабит Абд ал-Азиз ибн ал-Жоббор ал-Куфийга топширилган.

Султон Жалоллиддин отаси Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ номига Исфохон шаҳрида мадраса қурдириш учун унга 30 минг диноҳ берган. Ушбу маблағдан ташқари, Ироқдан олинадиган солиқнинг бир қисми мадраса харажатлари, қурилишни тез фурсатда якунлашга, шунингдек шамдон, кўза ва бошқада зарурий жиҳозларини олтиндан қўйиш учун ажратилди. Уша давридаги машхур маърифатпарварлардан Мукарраб ад-Дин Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Паҳлавон ал-Хоразмий (1228 йил вафот этган) қурилиш ишларини бошлаш учун Хоразмдан Исфохонга юборилди. Жалоллиддин Мангубердиннинг шахсий котиби ан-Насавий ёзишча, у тўрт ойдан сўнг мадраса деворларининг одам бўйди қад кўтарганлигини кўради [2:241].

Уша даврда ерга ва мулкга эгалик қилишнинг вақф шакли кенг тарқалган. Вақф мулки бутунлай мадраса, масжид ва хонақоҳлар ихтиёрида бўлган. Баъзан, таълим-тарбия масканларига бутун қишлоқ ҳада тариқасида инъом этилган. Масалан, Хоразмдаги Хатун Баха мадрасасига Сакан Аҳашк (?) қишлоғи вақф мулки тарзида берилган [4:126]. Хоразмшоҳ Алоуддин Такашнинг вазири Насир ад-Динга берилган фармонда ёзилишича, ушбу мадрасанинг собиқ мутаваллиси (иш бошқарувчиси) вақф мулкларини бошқаришга лаёқатсиз бўлганлигидан, вақф мулкларининг зарар қўриши ва инкирозга юз тутишига олиб келган. Вазир Насир ад-Дин мударрислар (ўқитувчилар) ва талабаларнинг иқтисодий қийинчиликларсиз ва беъмолол ўқишларини таъминлаш мақсадида келтирилган зарар ўрни қопланган ва янги мутавалли тайинланган.

Ануштегинлар сулоласи ҳукмдорлари маърифатпарварлик ишларига нафақат ҳомийлик қилишган, балки уни давлат сиёсати даражасида олиб боришган. Маърифатпарварлик ишлари Хоразмда ва ундан чекка вилоятларда кенг олиб борилган. Бу даврда ҳукмдорлар билан бирга йирик амалдорлар ва бадавлат кишилар ҳам илм-маърифат тарқатиш йўлида жонбозлик кўрсатганлар [4:127]. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ давридаги давлат арбобларидан Шиҳаб ад-Дин Абу ибн Имрон ал-Хивакий ўзининг қаттиятлиги ва маърифатпарварлиги билан шухрат қозонган. У фикхшунос ва муфтий бўлиш билан бирга, ақлли, донолиги ва уздабуронлиги билан ҳукмдор фикрини тез илғай оларди. У Хоразмдаги бешта мадрасада дарс берган, қачонки дарслар тугагандан сўнг Ҳожи султон билан турли хил ишлар бўйича суҳбатлашарди. Шиҳаб ад-Дин маърифатпарварлик ишларига ҳам раҳномалик қилган. У Урганчда ўз ҳисобидан кутубхона қурдирадиги, манбаларда ёзилишича, бунақа кутубхона ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бўлмаган [2:93-94].

Ануштегин Хоразмшоҳлар маҳаллий олим-фузолардан ташқари, хорижий эллардан келган ва шу ерда ижод қилаётган кўплаб олим ва шоирларга ҳомийлик қилган. Уша даврда хоразмшоҳлар саройида диний ва дунёвий билимлар билан шуғулланувчи 50 дан ортиқ олим-уламолар номлари ва илмий ишлари ёзма манбаларда келтирилган [4:120-125].

Улардан аксарияти Хоразмий тахаллуси билан аталган ва хоразмлик бўлган.

Аждодларимизнинг бундай юксак маънавиятли ва маърифатпарвар, ватанпарвар, меҳнатсевар ва хуш хулжлик каби улугъ фазилатлар эгаси бўлишида Нажмиддин Кубро каби тарикат пирларининг тарбияси, ўғит насихатлари бениҳоят каттадир. XII асрда Хоразмда Нажмиддин Кубро (1146-1221 йй.) бошчилигидаги тасаввуфнинг кубровия оқими шаклланиб, Мовароуннахр, Хуросон, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон Шарқи давлатлари орасида кенг тарқалган эди. Бу тариқат таълимоти ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, айниқса унда комил инсонни тарбиялаш бу тариқатнинг асосий вазифаларидан бири бўлган.

Темурийлар даври тарихчиларидан Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ асарларида Хоразмлик илм-фан номондаларидан баъзилари ҳақида маълумотлар мавжуд. Улардан Жалоладдин Аҳмад ал-Хоразмий (илоҳият олими), Ҳафиз Махмуд Муҳрик ал-Хоразмий (фихх), Ҳафизиддин Муҳаммад ибн Насураддин Муҳаммад ал-Хоразмий (тарихчи ва шоир) ва бошқалар Мовароуннахдаги маънавий-маърифий соҳалар ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Юксак маънавият- енгилмас куч. –Тошкент: «Маънавият», 2008.
2. Ан-Насави Муҳаммад. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Пер. с араб. З.М. Бунятова. –Баку: 1973.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
4. Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231). –М.: «Наука», 1986.
5. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Тошкент: 1993.

Маколада Буюк Турон заминиди қадимдан таълим ва маърифатпарварлик асосида юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги тарихий манбалар асосида қўрсатилган.

В статье на основе исторических фактов рассматриваются вопросы воспитания высокоразвитого поколения считающимся важнейшим средством развития общества на территории Великого Турана.

The article deals with the issues of education of highly-developed generation on the territory of Great Turan, that are considered to be an important means of the development of the society.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Х.Б.Тўхтаҳўжаев - катта илмий ходим-изланувчи

ЎМКХТТКМО ва УҚТИ

Таянч сўзлар: индивидуаллаштириш, саломатлик, соғломлаштириш, инновацияга ўргатиш, педагогика, психология.

Ключевые слова: индивидуализация, здоровье, здоровьесбережение, обучение инновации, педагогика, психология.

Key words: individualization, health, physical education, teaching innovation, pedagogics, psychology.

«Индивидуаллик» тушунчасининг долзарблиги замонавий педагогика назарияси ва амалиётида етарли даражада асосланган шахснинг индивидуал белгилари: яхлитлик, ўзинга хослик, бетакрорлик, фаоллик кабилар билан изоҳланади [1]. Менинг назаримда, инсон индивидуаллигига инсоннинг яхлит тизим эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг биологик, психологик ва ижтимоий даражасига хос хусусиятлари ўртасидаги катта ва кичик алоқаларни ўрганишга бўлган ёндашувга урғу бериш мақсадга мувофиқ.

Фанда белгиланишича, исталган индивидуал сифат ва жиҳатларга эга бўлиш муаммосини ҳал қилишда, боланинг керакли йўналиш бўйича ривожланишига асос қилиб ҳамisha инсонга табиат томонидан берилган туҳфани энг муҳим омил эканлигидан келиб чиқишни унутмаслик керак. Шу муносабат билан индивидуаллик муаммоси – мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим фаолиятини ташкил қилишда марказий масалалардан бири ҳисобланади. Ўқув фаолияти натижаларини шакллантиришда қобилиятларни ривожлантиришга эътибор қаратиш жуда муҳим, чунки таълим – тарбия билан боғлиқ ҳар қандай натижа фақат ва фақат у ёки бу шахсда мавжуд қобилиятлар асосида юзага чиқади. Педагогик жараёнда таълим олувчини таълим жараёнига бўлган қизиқиши, унинг ютуқлари, ўқув фанларини танлаши, индивидуал таълим траекториясига эғалиги – сифатли индивидуаллиқни ташкил қилади ва буни педагог доимо инобатга олиши жуда муҳим [2, 3, 4].

Одатда, қачонки ижтимоий ҳолат бузилса, ўқувчи – талабанинг жисмоний саломатлиги ёмонлашса, таълим фаолиятини индивидуаллаштиришга бўлган эътибор кучайишини кузатамиз. Шу боис ҳам «соғлом мактаб» атамаси ва у билан боғлиқ тушунча тобора кенг тус олмоқда. Бу жараёнда айниқса тадқиқот олиб борилган имконияти чекланган болалар учун яратилган мактаб-интернатлар катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Чунки бундай таълим муассасидаги педагогик жараён ҳаммадан кўра кўпроқ индивидуал ёндашувни такозо қилади.

Ибн Арабшоҳ хоразмликлар тўғрисида шундай ҳикоя қилади: «Уларнинг (хоразмликлар) пойтахти Журжон шаҳридир...бу суҳандонлар тўпланадиган жой, у ерда олимлар эгардан тушадилар (яъни тўхтаб ўтадилар), зукколар ҳам шоирлар ошён топадилар, зарифу маъруфлар, улугъ зотлар келиб туришади. Бу мутазилийларнинг тоғ чашмасидир... Унинг ноз-неъматлари мўл-қўл, эзгуликлар беҳисоб...» [5:21].

Тарихда Ислом цивилизацияси ёки Марказий Осиё халқлари деб аталувчи маданият таракқиётида илм-фан ва маърифатпарварлик ғояларини тарқатиш билан шуғулланувчи хоразмлик аждодларимиз ҳиссалалари бениҳоят каттадир. Демак, халқнинг буюклиги ва келажаги маънавияти ва маърифати юксаклиги билан ўлчанадиган бўлса, дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангу-берди, Нажмиддин Кубро, Пахловон Махмуд, Оғаҳий каби буюкларни берган ўзбек халқининг маънавияти ҳозирги ва келгуси авлод учун ҳар томонлама намуна бўлиб хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

Ўқувчи – талабаларга индивидуал ёндашув муаммосини тадқиқ қилиш хусусида педагогика назарияси ва амалиётида улкан тажриба тўпланган. Жумладан ўқувчи – талабаларнинг паст ўзлаштириши сабаблари ҳамда унинг олдини олиш мавзуси; ўқувчи – талабаларнинг билиш ва мустақил фаоллиги масалалари; фронтал, жамоавий ва индивидуал ишларини ташкил қилиш жараёнлари В.И.Загвязинский, Т.М.Николаев, И.М.Чередовларнинг илмий изланишларида атрофлича ёритиб берилган [6].

Ўрганиб чиқилган илмий адабиётлар таҳлили тадқиқ қилинаётган муаммога доир бир қатор нуқтаи назарлар мавжудлигини таъкидлаш имконини беради. Бир томондан, индивидуал ёндашув узок йиллар давомида шаклланган ва муайян афзалликларга эга синф – дарс тизими анъаналарига путур етказиши хусусида (Т.Хюсен) фикр юритишса, иккинчи томон (Ю.В.Шаров, Н.Хомутов) тарафдорлари индивидуал ёндашув имкониятларига паст назар билан қараганлари ҳолда уни очиклик тамойилининг бир воситаси сифатида қабул қилиш лозимлигини таъкидлашади. Хатто олимлар орасида педагогик жараёнда индивидуал ёндашув анъанавий тарзда шаклланган мавжуд вариантларига нисбатан кескин қарши фикр ифодоловчи олимлар ҳам мавжудлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, айрим амалиётчи педагогларнинг фикрича, таълимга бўлган индивидуал ёндашув ғояси бизга мактаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки қаердандир «ташқаридан» зўрлаб киритилган ғоя ҳисобланади. Рыдановнинг фикрига кўра, ўқувчи – талабаларнинг ўқитувчи томонидан кучли ва кучсиз, билимли ва билимсиз, уқувли ва уқувсиз каби табақаларга ажратилиши болалар ўртасидаги мавжуд ўзаро ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади [5].

Шундай қилиб, индивидуаллаштириш муаммосига доир фалсафий, психологик ва педагогик адабиётлар умумий таҳлили таълим – тарбия жараёнини индивидуаллаштириш назарияси хусусида нисбатан қуйидаги фикрларни билдириш имконини беради: